



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN

JIZZAX POLITEHNIKA INSTITUTI

ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

JIZZAKH POLYTECHNICAL INSTITUTE



JIZZAX – 2017  
ДЖИЗАК – 2017

## ОИЛА ҲАЛОВАТИ – ЖАМИЯТ ҲАЛОВАТИ

Расулова Сарвиноз Садатовна

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси  
Ўзбекистон республикаси, Тошкент шаҳри

**Аннотация.** Бу мақолада оила ҳақида фикр юритилади. Унда киссалардаги аёллар образи таҳлил қилинади. Аёл руҳияти, унинг ички дунёси, кечинмалари, орзу-умидлари, унинг оиладаги ўрни масалаларига тўхталлади.

**Аннотация.** В этом статье показана роль женщины в семье. Статья анализируется образ женщины. Здесь анализируется два повесть писателя. Статья обсуждается психология женщины, её внутренние чувство, место в семье и др.

**Annotation.** The article is devoted to the analysis of the imaging, creation typical art of Takhir Malik's. Then analysed, expressed feminine image. In this article describe psycho, internal experience, wishes and hope.

**Калит сўзлар:** оила, аёл образи, ўзбек аёли, ота, она, фарзанд.

**Ключевые слова:** семья, образ женщины, отец, мать, дети.

**Key words:** family, uzbek woman, mother, father, children.

Оилани муъжазгина бир жамиятча деб фарз қилсак, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги айнан шу «жамиятча»нинг жипслигига боғлиқ. Демак, қайси жамиятда оилалар мустақкам эмас экан, бу жамият ҳарбий қудрати ва бойлигидан қатъи назар, ҳалокатга маҳкумдир. Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган энг мустақкам муҳаббатдир. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётга таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбаш туйғусидир. Ўз уйида бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир. Ҳароб уйдаги бахтсиз одамлардан ташкил топган жамиятнинг ҳалокатга маҳкумлиги шундан келиб чиқади.

Ҳар бир инсоннинг оила олдида, оиланинг жамият олдида масъулияти бор. Бу икки ижтимоий тушунчани бир-бирдан айририш қийин. Аллоҳга булган ишк, ота-онага, дўстга муҳаббат, силаи раҳм ҳам жамият маънавий оламига Ўз таъсирини ўтказди. Аммо оила бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Соддарок қилиб айтилса, оиласида ҳаловати йўқ одамнинг хизмат жойида ҳам ҳаловати бўлмайди. Демак, ишидан барака кетади, хизматдошлари билан қўпол муомалада бўла бошлайди.

Агар ҳаётимизнинг барча мақсад-мазмуни оиладаги шахсий бахтимиздан иборат бўлганида, шахсий бахтимиз биргина оиладаги муҳаббатда Ўз ифодасини топганда эди, унда ҳаёт деганлари чиндан ҳам қоп-қоронғи сахрога айланиб қолган бўларди. Инсон учун юракнинг маънавий оламидан ташқари ҳаётнинг яна бир буюк олами – ижтимоий фаоллик олами ҳам бор. Буни инкор этиш ёки четлаб ўтишга уриниш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун аҳли китоблар ҳам Аллоҳнинг бу масаладаги буйруқларига ғоят жиддий муносабатда бўлишган. Барча пайгамбарлар умматларини пок ва ҳалол оила қуришга даъват этишган. Инсоният тарихи давомида яшаб ўтган донишмандларнинг диққат-эътиборларидан ҳам бу масала четда қолган эмас. Ўтмиш устозларнинг фикрлари бизлар учун ҳамиша кадрли.

Жамият оиладан оқил фарзанд тарбиясини талаб этадими, демак, бу талабни ҳам сўзсиз бажармоғи зарур. Лекин бу талабларни барча оилалар бир хилда бажармайдилар. Чунки барча оилаларнинг бу соҳалардаги тушунчалари, ҳаётий тажрибалари турлича. Ҳар бир халқнинг, ҳатто ҳар бир мамлакатдаги ҳар вилоят, шаҳарнинг ўзига хос урф-одатлари оила ва жамият орасидаги муносабатларни ўзига хос равишда белгилайди. Оилада ҳаловат бўлмагандан кейин фарзандлар тарбияси ҳам гўзал бўлмайди. Тохир Маликнинг асарларида ана шу долзарб муаммолар ҳақида сўз юритилади.

Ёзувчининг асарларини ўқир эканмиз, уларда ҳозирги давр ва замондошларимиз образи жонли тарзда акс этганини ҳис қиламиз. Адиб асарларидаги болалар образига эътибор берсак, улар бегубор, ҳаёллари паришон, ҳаётнинг шавқатсизлигидан беҳабар, калби ширин орзуларга тўла ўсмир бола, мактаб ўқувчиси. Аммо улар ўзларининг характери, тақдир, яшаш тарзи билан бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг мақсади, ақидаси ҳам турлича. “Алвидо, болалик” киссаси ўсмир руҳиятининг ўзига хос ёритилиши билан китобхон эътиборини тортади. Чунки унда бегубор болаликнинг заволи тасвирланади.

Ёзувчи болаларнинг билиб-билмай жиноятга қўл уришига, сабаб бўлган омилларни уларнинг тарбиясидан, оила муҳитидан қидиради: айрим ота-оналар бир-бири билан тез-тез жанжаллашади, баъзилари бойлик тўплашга муккасидан кетади ва болаларни назорат қилмайди. Айримлари ажрашиб кетиб, болалар аросатда қолади. Ёзувчи қиссада инсон руҳиятининг сирли ва нозик қирраларини қаламга олган. Оддий ҳаётини воқеалар, турмуш зиддиятлари, ўсмирларнинг кайфият, кечинмасини акс эттириш орқали ўзига хос характерлар яратиб, инсоннинг маънавий фожеасини, рухий инкнрозини, ички кечинмаларини ёритади. Асар марказида Қамариддиннинг фожеавий қисмати туради.

Русларнинг улуг ўзувчиси Лев Толстойнинг «Анна Каренина» деб номланган асари шундай сатрлар билан бошланади: «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир». Чунки бахтни ҳам ҳар бир оила ўзича тушунади. Масалан, ҳаром йўллардан қайтмай бой яшаётган оила ҳаромдан парҳез қилиб, озига қаноат қилаётган кўшнисини бахтсиз деб ҳисоблайди. Бу кўшни эса унинг охирагини ўйлаб, бахтсизлигидан афсусланади. Демокчимизки, оилаларнинг бахти ва бахтсизлиги ҳам фақат ўзларига хос, бир-бирига ўхшамайди.

Икки ёзувчининг тасвирига қараганда, бу аёлларнинг иккови ҳам гоёт гўзал, икковида ҳам муҳаббат бор, икковлари ҳам севги қурбони. Ҳар икки асар ҳам лобарларнинг ўлимлари билан ниҳоясига етади. Лекин уларнинг муҳаббатлари ва оиллага садоқатлари бир хилми? Анна – оилали жувон, бегона эркакни севди. Оқибатда ўзини ҳалок қилди. Унинг бир гуноҳи икки бўлди. Қумушбиби – маъсума аёл. У жуфти ҳалоллига содик. Уни ҳатто қундошидан ҳам қизганади. Балки ана шу қизганиши, рашқининг чегарасидан чиққани учун ўлим топгандир? Бу икки аёл ўлими сабабчилари – Аннанинг севгилиси (эри эмас!) билан Қумушнинг қундоши – Зайнаб тақдирда қандай яқинлик бор? Ҳеч қандай! Қумуш-зайнаблар тақдирини европаликлар ҳаётидан излаб тополмаймиз. Келинг, икки ўлимга доир икки баёнга диққат қилайлик:

*«...яқиндагина ҳаёт жуш уриб турган, энди эса қазарма столида, ёту бегоналар кўзида Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди; соғ қолган чаккалари, гажакли боши, оғир кокиллари орқага ташланган; гўзал чеҳрасида, ярим юмук қизғини лабларида ачинарли, тиниб қолган очиқ кўзларида ваҳимали бир ифода бор эди; бу ифода уришиб қолганида Вронскийга «Шошманг, ҳали пушаймон буласиз», деган ўша даҳшатли сўзни айтиб турганга ўхшарди...»* Бу баёндаги «Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди», деган тасвирга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Муҳаббат деган баҳона билан оиллага хиёнат қилган, ибосиз ҳаёт кечирган аёлнинг жасади ҳам бегоналар кўзи олдида ибосиз ҳолатда ётарди. Бу ҳам ибосиз ҳаёт учун берилган бир “мукофот” эмасми! Энди бу тасвирга диққатингизни тортамыз:

*«...Ҳожи Қумушнинг бошига келиб ултурди. Отабек ва онаси оёқ устида эдилар. Қумушнинг кўзи юмук, сочлари юзи устида паришон эди. Ҳожи ўз қўли билан сочларини тузатиб Қумушнинг қўқимтил товланган юзини кўрди ва ва манлайини босди...»*

- Ойим... Ойим!- деди Ҳожи. Кумуш кузини очиб, бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... қўзғалмоқчи бўлди.

- Қўзғалманг, ойим... қўзғалманг! Кумушининг қўз ёшиши чаккасидан оқиб туйиди... Ҳожи ҳам ўзини тўхтатолмай, Кумушининг ёштини артиб, бошини силади: - Худо шифо берар, болам!

Кумуш жомга қўзғалди, Отабек келиб қўлтиқлади, Ҳожи ҳам унинг бошини тутди... Бу гал қусуқ қонга айланган эди, бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди... Қусуб ётгач, қўзи яққиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаранди: - Ойи... дада... - сунгра, -бегим, - деб ингранди... Эрининг юзини юзига қўйди, уялгансумон кузини юмди...» Устоз Абдулла Қодирий каламларидан кўчган бу тасвирнинг ҳар бир нуктасига диққат билан разм солайлик. Биз истаимизми, истамаймизми, оила масаласини англашда ғарб ва шарқ тушунчалари орасида кескин фарқлар борлигини тан олишга мажбурмиз. Буни юкоридаги икки баён ҳам тасдиқлаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, соғлом оилада соғлом фарзанд тарбияланади. Ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари фарзандлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. "Қуш уясида кўрганни қилади" мақоли бежизга айтилмаган. Фарзанд илк тарбияни оиладан, ота-онадан олади. Шундай экан, фарзандларимизни билимли, комил, маданиятли инсон бўлиб вояга етишида оиланинг ўрни бекиёсдир. Оила бузилса, икки ёшни яраштиришга ҳаракат қиламиз, ярашишнинг чораси қолмаса ўртага талок тушади. Лекин бу оилани бузилган соат сингари ташлаб юбормаймиз. Яъни, жамиятдан суриб чиқармаймиз. Эр ҳам, хотин ҳам бошқа оила қуриб яшайверади. Лекин болалар-чи? Тирик етимларнинг охи фожиа эмасми? Қалбларнинг парчаланиши фожиа эмасми? Оилани жамиятнинг дурру гавҳари деб улуғлайдилар. Уйимиздаги дур ва гавҳарларни ардоқлаб асраймиз. Оилани-чи?..

УДК 624.31.4

#### ОСОБЕННОСТИ ИНЖЕНЕРНО-ГЕОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ И ИХ ТИПИЗАЦИЯ С ЦЕЛЬЮ ОХРАНЫ ПАМЯТНИКОВ АРХИТЕКТУРЫ НА ТЕРРИТОРИИ Г.БУХАРЫ И ЕГО ОКРЕСТНОСТИ

М.Ш.Рахимбабаева, асс.Рахматуллаева Н.Р.

кафедры «Геодезия и кадастр» Ташкентского архитектурно-строительного института

**Аннотация:** Маколада Бухоро шахрининг инженер-геологик шароитлари тахлил қилинган.

Архитектура ёдгорликларига ер ости сувлари таъсири курсатилган. Архитектура ёдгорликларининг деформация сабаблари ўрганилган ва уларни бартараф этиш ва табиий таъсирини камайитириш чора- талбирлари ишлаб чиқилган ва тавсия этилган.

**Ключевые слова:**

Землетрясения, динамическое воздействие, подтопление грунтовыми водами, инженерно-геологические условия, отложения, насыпные антропогенные грунты.

Узбекистан богат историческими памятниками архитектуры (табл.), которые пережили за период своего существования не одно сильное землетрясение





## МУНДАРИЖА

DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANISH JARAYONIDA O'QUVCHILARNING MUSTAQIL FIKRLASH QOBILIYATI HAMDA IJODIY TAFAKKUR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH.....	1
Ollaberganova Sanobar Hamidovna.....	1
ЁШЛАРНИ ЭКОЛОГИК ВА ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	3
Омонов Ф.О.....	3
Дехконова М.....	3
ТАЛАБА ҚИЗЛАР СПОРТИДАГИ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ХУСУСИДА.....	5
Омонтурдиев Б.Қ - катта ўқитувчи Термиз ДУ.....	5
ПРОБЛЕМЫ ЖЕНСКОЙ ЗАНЯТОСТИ.....	7
Панжиёва Нодира Норматматовна.....	7
ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯЛАШДА МАРШ, ҚУШИҚ-РАКС АСАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	9
Қ.Б.Панжиёв.....	9
НАЧАЛО ФОРМИРОВАНИЯ АРХЕОЛОГИЧЕСКОЙ НАУКИ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ.....	11
Пардаева Севара Юсуповна.....	11
FIZIKA FANIDANDAN TALABALARNING OLIMPIADAGA TAYYORLASH.....	14
SamDAQI assistenti R.T.Parmanova, SamDU Magistranti, M.T.Parmanova, Pastdarg'om xizmat kasb-hunar kolleji katta o'qituvchisi J.T. Parmanov.....	14
АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ.....	17
Т.К.Пахратдинова.....	17
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА.....	18
Пулатова С.Ю.....	18
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	21
Раджапов Шавкат Шарипбаевич.....	21
2-босқич талабаси Кенжаев С. (ТАКИ).....	21
ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ ОРГАНИЗАЦИЯМИ СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЫ.....	21
ст. преп. ТАСИ Раджапов Ш.Ш.....	21
КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ҲУКУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШУВИ.....	21
и.ф.н. Ражабов У.Д. Усмонов Ч.Б. ТерДУ.....	21
DARS SAMARADORLIGIDA MULTIMEDIYA VOSITALARINING AHAMIYATI.....	21
Raymova M.U., Nosirova Sh.N.....	21
ТАЪЛИМ – БАРКАМОЛ АВЛОДИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ.....	21
Раматов Жуманиёз Султанович.....	21
Тошбоев Зоҳид Баҳрон ўғли.....	21
Хидиров Жасур Эрминович ўғли.....	21
Убайдуллин Абдулфит Мухоммедов ўғли.....	21
Базарбаев Улуғбек Сидикович ўғли.....	21
ОИЛА МА'НАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАЪЛИҚ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РАВОЖЛАНИШИ.....	21
Rametova Muzina Ullovi Pedagogika fanlari doktori.....	21
ОИЛА ҲАЛОВАТИ ЖАМИИЯТ ҚИММАТИ.....	21
Расулова Саринот Сидиковна.....	21
ОСОБЕННОСТИ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В СФЕРЕ ОХРАНЫ ПАМЯТНИКОВ АРХИТЕКТУРЫ.....	21
М.Ш.Рахимбабаева, асс. Рахматуллаева Н.Н.....	21
ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАЪЛИҚ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ.....	21
Катта ўқитувчи Раҳманови Фотима Шамонановна.....	21
ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШҚИСТИРИШНИНГ РАҚАБИЙ АСОСЛАРИ.....	21
Рахматуллаева Дурдона Раҳмановна ўқитувчи.....	21
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг асослари.....	21
THE PARTICIPATION OF THE FAMILY IN THE EDUCATIONAL PROCESS.....	21